

**СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ МАЛАКАСИННИГ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ
ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

Б.Хамракулова
ЎзДЖТУ

Аннотация: Мақолада нутқининг ўқиши турни ва унинг чет тилларини ўқитиш жараёнидаги ўрни, аҳамияти ва турлари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга чет тилларидаги матнларни синфдан ташқари ўқиши ва ушбу жараённи амалга ошириш кетма кетлиги ҳамда ундан кутиладиган натижаларга алоҳида урғу берилган.

Калит сўзлар: нутқ турлари, ўқиши малакаси, ўқиши турлари, ўқиши техникаси, ўқишининг психологияк жиҳатлари.

Чет тилларини ўрганиш жараёни нутқининг барча турларини, яъни ёзиш, ўқиши, эшишиб тушуниш ва сўзлашиш малакаларини пухта эгаллашни назарда тутади. Ҳар бир нутқ тури ўз ўрни ва вазифасидан келиб чиқиб, чет тилидаги билимларни шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан чет тилида ўқиши малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласи замонавий тил таълим мининг ажралмас қисми ҳисобланади. Чет тили ўқитиш методикасида нутқ бойлигини ошириш мақсадида кенг қўлланиладиган ўқиши үсулларидан бири, шубҳасиз, “мустақил ўқиши” ёки синфдан ташқари ўқиши машғулотлари ҳисобланади ва илмий-услубий адабиётларда бундай мазмунда яна “аудиториядан ташқари ўқиши”, “уйда ўқиши”, “синфдан ташқари ўқиши”, “фронтал ўқиши” каби бир қатор атамалар ҳам қўлланилади. Ушбу атамалар мазмунидаги фарқлар үнчалик катта бўлмасдан, бу ерда, энг муҳими, ўқитувчининг ёрдамисиз мустақил тарзда амалга оширилаётган фаолият тушунилади. Бунда ўқитувчининг роли топшириқларнинг шартларини тушунтириш, матнга изоҳ бериш, ўқишига йўналтириш ва ўқилганларни назорат қилиш билан чекланади. Қолаверса, синфдан ташқари ўқишида, бирор нарсани кўп ўқиши, яъни анчагина ҳажмдаги матнни қониқиши ҳосил қилгунча ўқиши тушунилади. Мустақил ўқиши жараёни, шубҳасиз, тил ўрганувчининг чет тилидаги билим даражалари, ўқилаётган материалларнинг ва бериладиган топшириқларнинг мураккаблиги каби ҳусусиятлар билан боғлиқ бўлади. Бошланғич билим даражасига эга бўлган тил ўрганиш гурухлар учун синфдан ташқари ўқиши машғулотларида ўрганилаётган матн ва асрлардаги тил материалларининг қизиқарлилиги, соддалиги ва ўтилаётган мавзуларга мослиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мустақил ўқиши фаолиятида матннинг мазмуни ўта муҳим бўлиб. ўқиётган одам барча билим ва имкониятларини ишга солиб, уни англашга интилади. Мустақил ўқиётган одам қанчалик тиришқоқ ва тажрибали бўлса, тил ўрганишда у ўз олдига қўйган мақсадига шунчалик осон эришади ва матннинг мазмунини чуқурроқ англайди. Бевосита ўқиши

фаолиятида иккита мұхим жараён, яғни билимларни үзлаштириш ҳамда уларни англаб етиш жараёнлари амалга оширилади ва бу иккі ҳолат доимо үзаро боғлиқ бўлади. Мустақил ўқиши жараёнини таъминлаб берувчи кўникма ва малакаларни икки гурӯҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гурӯҳга ўқишнинг “техник” жиҳатлари киради. Бунда матнни инсоннинг бевосита сезги органлари орқали қайта ишлаши, ёзув белгиларини англаш, уларнинг мазмунини аниқлаш ва кўриш орқали олинган маълумотни фикрга айлантириш жараёнлари амалга оширилади. Иккинчи гурӯҳ кўникмаларига эса турли даражадаги тил бирликлари (фонема, морфема, сўз, гап) ўртасидаги үзаро боғлиқликларни аниқлаш ва бу орқали матннинг мазмунини, муаллифнинг фикрини англашга эришилади. Ушбу кўникмалар матнни тугалланган фикр сифатида тушунишга имкон беради. Нутқнинг ўқиши тури чет тилларини ўрганишда луғат бойлигини ошириш учун ҳам энг мұхим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чет тилида маълум бир матнни ўқиши жараёнида тил материаллари – сўзлар, иборалар, грамматик шакллар, стилистик ва тиниш белгилари ихтиёрий равишда хотирага ўрнаша бошлайди. Ўқишнинг ҳар қандай турида тил материаллари турли шаклларда ва турли контекстларда такрорланиб келади ҳамда нутқ бойлигини оширишга хизмат қиласди. Ўқиши фаолияти, ўз вазифасига кўра, нутқдаги маълумотни яратишга эмас, балки қабул қилишга йўналтирилган бўлади, шунинг учун ҳам унга рецептив нутқ тури сифатида қаралади. Бунда қабул қилинаётган маълумотни тушуниш ва баҳолаш жараёни ўта субъектив хусусиятга эга бўлиб, унинг самараси ўқувчининг олдига қўйган мақсади, тўплаган ўқиши тажрибаси, чет тилидаги кўникма ва малакалари билан боғлиқ бўлади. Шу ўринда ўқиши жараёнининг психологик жиҳатларига тўхталиб ўтиш ўринлидир. График белгилар, яғни ёзув орқали ифода этилган маълумотларни англаб олиш, уларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, баҳолаш жараёнлари ўта мурakkab ақлий фаолиятни талаб этади. Чет тилидаги матнни ўқиши учун эса, маълум бир ҳажмдаги тил захирасига ҳам эга бўлиш зарур. Бунда ҳарфларни, фонемаларни, сўзлар ва грамматик шаклларни фарқлаш, уларнинг маъно билан боғлиқ хусусиятларини тушуниш жараёни автоматлашиши, яғни етарли даражадаги тезлик билан ортиқча тўсиқлар ва қийинчиликларсиз амалга оширишга ҳаракат қилиш лозим. Маълумки, ўқиши жараёнида инсон сезги органларидан кўз ва кўриш қобилияти асосий вазифани бажаради ҳамда маълумотлар, тил белгилари худди фотосуратлар каби бирин-кетин хотирага мустаҳкамланиб боради. Мутахассисларнинг фикрича, бу ерда “кўриш хотираси” мұхим такомиллашади. Ўқиши ўрганишнинг дастлабки босқичида график белгиларни эслаб қолиш ва зарур малака тўплаш масадида кўриш билан бирга ички артикуляция ҳам қўлланилади. Умумий меъёрдаги ўқиши тезлиги шакллангач, асосий эътибор, кўзланган мақсаддан келиб чиқиб, матннинг умумий мазмунига қаратилади. Мутахассисларнинг фикрича, ўқиши асосан овоз чиқармасдан амалга оширилади, овоз чиқариб ўқиши эса бир мунча секин кечади. Жараённинг секинлашишига сабаб, эътиборнинг бир қисми талаффуз жараёнини таъминлашга қаратилишидир. Шу билан бирга, ўқиши чоғида яна икки хил

мақсад илгари сурилади, яъни, биринчидан, матндағи маълумотни олиш, иккинчидан эса маълум бир маълумотни бошқа бироқга етказиб бериш керак бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи вазиятда овоз чиқармасдан ўқиш туридан фойдаланилади, иккинчисида эса, олинган маълумотни бошқа бирорга узатиш талаб этилади, шунинг учун бу ҳолатда овоз чиқариб ўқилади. Чет тилида овоз чиқариб ўқиш тури камдан-кам мутахассислар томонидан амалга оширилади, масалан, таржимонлар, сухандонлар, актёрлар ёки ўқитувчилар шулар жумласига киради. Мавжуд амалиётда ўқишнинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: маълумотни кўздан кечириш учун ўқиш, ўрганиш учун ўқиш ва танишиш учун ўқиш. Маълумотни кўздан кечириш учун ўқиш деганда, уларнинг мавзуси ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш ҳисобланади. Бунинг учун мақола ёки асарнинг номини, унинг боблари ёки алоҳида абзацлари ва гапларини ўқишнинг ўзи кифоя қиласи. Маълумот билан танишиш учун ўқишда эса асар ёки мақоланинг аниқ мазмуни билан танишилади, ўқувчининг эътибори асосий маълумотни тушунишга қаратилган бўлади. Бу тезкор ўқиш тури бўлиб, матн мазмунини кенгроқ англашга қаратилган бўлади. Ўрганиш учун ўқишда эса ўқувчи матндағи маълумотни чўқур англашга ҳаракат қиласи, унга танқидий назар билан қарайди, таҳлил қиласи. Бунда олинган маълумот узоқ вақтга эслаб қолишга ва келажакда ундан қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай ўқиш, одатда бирмунча секин кечади, айрим маълумотлар эса қайта-қайта ўқилади. Чет тилини ўқитиш амалиётида тилни мустақил қўллай олиш ва эркин билиш даражасига эришиш мақсадида юқоридаги ҳар бир ўқиш тури учун маълум бир ўлчамдаги шартли ўқув меъёрлари ҳам шаклланган бўлиб, уларни қўйидагича таърифлаш мумкин:

1. Маълумот билан танишиш учун ўқишда матндағи асосий далиллар ва умумий мазмун эътиборга олиган ҳолда тушуниш даражаси 70% дан кам бўлмаслиги керак. Бунда матндағи иккинчи даражали маълумотлар тўлиқ бўлмаса ҳам асосий мазмун аниқ тушунилиши лозим. Бундай ўқиш тезлиги инглиз ва француз тиллари учун бир минутда 180-190 та сўз, немис тили учун эса, 140-150 та сўз одатий меъёр сифатида қабул қилинган. Чет тили ўрганувчилардаги ўқиш техникасининг автоматлашгани, одатда, ана шу турдаги ўқиш даражасига қараб аниқланади.

2. Маълумотни ўрганиш учун ўқиш турида эса матнни 100% тушуниш асосий мақсад ҳисобланади ва мазмун тўла англаш етилади ҳамда танқидий назар билан таҳлил қилинади. Бундай турдаги ўқиш тезлиги вазиятдан келиб чиқиб шартли равища белгиланиши ва бир дақиқада ўртacha 50-60 та сўздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши лозим.

3. Маълумотни кўздан кечириш учун ўқишда ўқувчи анчагина катта ҳажмдаги тил материаларини билиши зарур бўлади. Бунда нафақат луғат бойлиги, балки тилнинг грамматик ва стилистик хусусиятларини ҳам яхшигина тушуниш лозим. Ушбу ўқиш тури учун тил ўрганишнинг дастлабки машғулотларида бир дақиқа ичida 1-1,5 бетдан иборат маълумотни кўздан кечириш меъёр сифатида қабул қилинади.

Юқорида келтирилган фикрларга хулоса тариқасида қайд этиш мүмкінки, чет тилида әркін үқиш малакасини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни үзига хос психологияк ҳамда методик хусусиятларга әга бўлиб, у кишини қизиқтирган ёзма маълумот билан танишиш, уни тафаккур қилиш имкониятини беради. Үқиш учун зарур бўлган билимларни таркибий жиҳатдан икки групга бўлиш мүмкин, яъни үқиш учун зарур бўлган имло белгилари, ҳарфлар, фонемалар ва бошқаларни таний олиш билан боғлиқ “үқиш техникаси” борасидаги малакалар ҳамда мавжуд грамматик, лексик ва синтактик воситалар ўртасидаги боғлиқликни тушунган ҳолда матннинг умумий мазмунини англаб етиш малакалари. Матн устида ишлаш жараёнида кўзда тутилган мақсаддан келиб чиқиб, үқишнинг турли хилларини танлаш мүмкин ва шунга кўра, үқиш учун зарур бўлган машқлар тизимидан фойдаланиш мүмкин. Үқиш самарасини оширишда матннинг мураккаблиги даражаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тил ўрганишнинг дастлабки ва ўрта босқичларида соддалаштирилган ёки мослаштирилган матнлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асл нусхадаги матнларни үқиш жараёни эса тил ўрганишнинг ўрта ва юқори даражаларида самарали кечади ҳамда қўшимча сўз бойлигини орттириш билан бирга, тингловчининг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1) Федрова Е. Л. Внеаудиторное чтение в системе работы по развитию речи учащихся. <http://web.sapporo-u.ac.jp/~yamada-t/199704>. Мурожаат санаси: 12.02.2017 й.
- 2) Козленко Л. Н. Современный подход к формированию навыка смыслового чтения <http://festival.1september.ru/articles/632538>.
- 3) Федорова Н. А. Стратегии смыслового чтения на уроках гуманитарного цикла <http://nsportal.ru/shkola/literatura/library/strategii-smyslovogo-chteniya-na-urokakh-gumanitarnogo-tsikla>.